2018 йил 23 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (13.634)

Баҳоси эркин нархда

## ТУРИЗМ – МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 февраль куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди.**

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Туризм ривожи учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмади, ҳамма ўз билганича фаолият юритиб келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, сайёҳлик мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида белгиланди. Президентнинг 2017 йил 16 августдаги қарори билан 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Жорий йил февраль ойининг ўзида Президентнинг шу соҳага доир 4 та муҳим ҳужжати қабул қилингани давлатимизнинг туризм ривожига юксак эътиборидан далолат бўлди. Ушбу ҳужжатлар билан соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, туризм салоҳиятини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди, ички туризмни янада ривожлантиришга кўплаб имтиёзлар, енгилликлар берилди.

Шавкат Мирзиёев туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, мамлакатимизда бу борадаги аҳвол ва соҳани ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини бирма-бир таҳлил қилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликлари оширилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтирди.

Жорий йилнинг 10 февралидан бошлаб Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Туркия ва Исроилдан келаётган туристларга мамлакатимизда 30 кунгача визасиз бўлишга рухсат берилди. Бундан ташқари, 39 мамлакат фуқароларига виза бериш тартиби соддалаштирилди. 2018 йил 1 июлдан электрон визалар жорий қилинади.

Йиғилишда электрон виза тизимини белгиланган муддатда тўлиқ ишга тушириш, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда бу тизимни янада соддалаштириш ва хорижий туристлар келиши тартибини мунтазам енгиллаштириб бориш бўйича топшириқлар берилди.

Туристлар мамлакатимизга келгандан сўнг яшаш жойи бўйича 3 кун ичида рўйхатдан ўтиши зарурлиги уларга ноқулайлик туғдираётгани қайд этилди. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди.

Турист саёҳат қилиши, ички ишлар идораларида сарсон бўлмаслиги керак. Агар биз туризм ҳисобига иш ўринлари очамиз десак, туристга шарт қўйиш эмас, балки шароит яратишимиз зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис рўйхатга олиш тизимини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, бу масалани ички ишлар идоралари, меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, хусусий уйлар ва шу каби жойлаштирувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурияти сифатида белгилаш, туристларни бундай ташвишдан холи қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 2017 йилда Ўзбекистонга қарийб 2 миллион 700 минг турист ташриф буюргани айтилди. Бу кўрсаткич сифат жиҳатидан таҳлил қилиниб, қариндошларини кўриш, даволаниш, ўқиш ёки тижорат каби мақсадларда келаётганлар кўпчиликни ташкил этиши таъкидланди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда, туризмнинг барча истиқболли йўналишларида сайёҳлар сонини кўпайтириш, туризм хизматлари реал экспортини 5 йил ичида камида икки баробар ошириш вазифаси қўйилди.

Туризм салоҳиятини оширишда авиақатновларнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйлаб сайёҳларнинг қарийб 60 фоизи энг қиммат эканига қарамасдан, ҳаво транспортидан фойдаланади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бу борадаги сусткашлиги қаттиқ танқид қилинди. Авиачипталар нархини оптималлаштириш, янги рейслар очиш, транзит йўловчиларни ташиш имкониятини ошириш ва авиақатновлар географиясини кенгайтириш бўйича натижали иш олиб борилмаяпти.

Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси олдига қатор вазифалар қўйилди. Уларга мувофиқ, авиакомпания тизимига замонавий маркетинг жорий этилади, дунё аэропортларида мавжуд бўлган махсус мосламалар, мобиль алоқа воситалари ёрдамида авиачипта сотиб олиш имкониятлари яратилади.

Чет эл тажрибасини ўрганиш асосида "Қарши" аэропортида "Очиқ осмон" режими жорий қилиниб, сайёҳларга кенг эркинлик яратилмоқда. Келгусида шундай тизим Андижон, Нукус ва Навоий аэропортларида ҳам қўлланади.

Йиғилишда қайд этилганидек, 30 кунгача виза олиш бекор қилинганидан кейин икки кун ичида Исроилдан Ўзбекистонга келиш учун июнь ойигача бўлган авиачипталар сотиб бўлинган. Шу боис виза режими бекор бўлган давлатлардан қатновлар сони оширилади, Тошкент шаҳридан ташқари Бухоро, Самарқанд, Урганч, Навоий ва Қарши шаҳарларига ҳам тўғридан-тўғри рейслар очилади.

Президент сайёҳларнинг кайфиятига таъсир қиладиган энг кичик жиҳатларгача эътибор қаратди. Аэропортлар залларидаги чироқлар хиралиги, паспорт назорати кабиналари тўлиқ ишламаслиги, узундан-узоқ сунъий навбатлар, такси хизмати кўрсатувчи хусусий автомобиль эгаларининг тартибсизлиги каби ҳолатларни яхшилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Туризмда мавсумий даврни узайтириш, кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш ва туризм инфратузилмасини яхшилаш масалалари муҳокама қилинар экан, меҳмонхоналарнинг асосий қисми Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида экани, туристлар оқими ошган даврда уларда ҳам жой етишмаслиги қайд этилди. Меҳмонхоналарни кўпайтириш, шу билан бирга, бу йўналишда хусусий жойлаштириш объектлари ва меҳмон уйлари ташкил этиш, тадбиркорларга ер ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Сайёҳлар ташриф буюрадиган масканлар ва автомагистрал йўллар бўйида санитария-гигиена шохобчаларини кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Маданий мерос объектларига кириш тизимини такомиллаштириш, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда туристларни қизиқтирувчи барча хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда янги хизмат ва савдолар ташкил этиш орқали валюта тушумини кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Хусусан, сувенирлар ишлаб чиқариш ва уларни махсус киосkларда сотиш, аэропортларда фаолият юритадиган "Duty Free", "Tax Free" тизимидаги савдо шохобчаларини туристик шаҳарларда ҳам очиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда автомобиль ижараси марказлари ва Wi-Fi зоналар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Қадимий шаҳарларда туну кун ишлайдиган сайёҳлик ҳудудлари, "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туристик зоналари ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

Видеоселектор йиғилишида ички туризмни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Халқимиз, айниқса, маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва кам таъминланган оилалар вакилларининг мамлакатимиз ҳудудларига саёҳатларини анъанага айлантириш, ташкилотлар касаба уюшмалари маблағларида саёҳат учун харажатлар улушини кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳияти жуда юқори. Бу йўналишда зарур қулайликлар яратиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита таркибида Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди, Малайзия, Туркия, Индонезия каби давлатлар учун визасиз режим жорий қилинди.

Йиғилишда бу борадаги имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, бир қатор зиёратгоҳлар каровсиз аҳволда экани қайд этилди.

Юртимизда ислом дунёсида тан олинган алломаларнинг мақбаралари, табаррук қадамжолар кўп, деди Шавкат Мирзиёев. Масалан, турли вилоятларда Нақшбандия тариқатини тарғиб қилган 12 уламонинг қабри бор. Биз ҳозир уларнинг 8 таси, яъни Бухородаги "Етти пир" ва Самарқанддаги "Хўжа Аҳрор Валий" зиёратгоҳларини обод қиляпмиз. Лекин Сурхондарёдаги Муҳаммад Зоҳид Бухорий, Аловуддин Аттор ва Қашқадарёдаги Муҳаммад Дарвеш, Муҳаммад Имганакий мақбаралари таъмирга муҳтож.

Шундан келиб чиқиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимларига ушбу қадамжоларни ободонлаштириш, уларга олиб борувчи йўллар ҳолатини яхшилаш, зиёратчилар учун барча шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон туризм брендини хорижда тарғиб қилиш масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Мамлакатимиз инвестиция, савдо ва туризм салоҳиятини ўзаро мувофиқлаштириб, ягона бренд остида реклама қилиш зарурлиги таъкидланди. Миллий телерадиокомпания ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги зиммасига Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кеча-кундуз тарғиб қилувчи, саёҳатга оид турли қизиқарли кўрсатувлар намойиш этиб борувчи халқаро телеканал ташкил этиш вазифаси юкланди.

Хориж давлатларидаги элчилар мамлакатимиз, миллий қадриятларимизнинг тарғиботчилари бўлиши, бунга чет элдаги ватандошларимиз ҳам ҳисса қўшиши зарурлиги таъкидланди. Туризм ривожи учун зарур шароитлар яратишга доир устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Соҳа мутасаддилари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва жойлардаги раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ИҚТИСОДИЁТ БАЗАВИЙ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ ҲАМДА МУҲАНДИС-ЛОЙИҲАЛОВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти базавий тармоқларидаги лойиҳалаш ишларининг ҳолати ихтисослаштирилган лойиҳа институтларида малакали муҳандис-лойиҳаловчиларнинг етишмаслигидан, ушбу соҳада ишларни ташкил этиш замонавий инновацион усулларнинг жорий этилиши лозим даражада эмаслигидан ва бунинг оқибатида ишлаб чиқилаётган лойиҳа ҳужжатлари сифатининг паст эканлигидан далолат бермоқда.

Натижада инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда чет эл инжиниринг компаниялари иштирокига кучли муҳтожлик юзага келди, бу эса кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш учун катта миқдорда валюта маблағлари сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг битирувчиларини лойиҳа институтлари ва инжиниринг ташкилотларининг фаол ишлаб чиқариш фаолиятига тез жалб қилиш имконини бермаяпти. Ёш мутахассислар технологик тизимларни лойиҳалаш, конструкторлик ҳужжатларини тайёрлаш ва лойиҳаларни бошқаришнинг бошланғич кўникмаларига эга эмас.

Иқтисодиёт базавий тармоқларида инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида асосий пудратчи ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти (кейинги ўринларда "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти деб юритилади) ходимлари сонининг чекланганлиги ишларни ташкил этишнинг замонавий инновацион усулларини самарали жорий этиш ва муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш имконини бермайди.

Лойиҳа ишлари сифати ва уларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, ушбу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

лойиҳалаш ва лойиҳани бошқариш соҳасида муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, чет эл таълим муассасаларидан ва инжиниринг компанияларидан етакчи мутахассислар ва муҳандис-лойиҳаловчиларни ўқув жараёнига кенг жалб этиш;

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Навоий давлат кончилик институти (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари) талабалари иқтисодиёт базавий тармоқларининг корхоналари ва лойиҳа институтларида (кейинги ўринларда – лойиҳа институтлари) мажбурий стажировкадан ўтиш амалиётини жорий этиш, шунингдек, уларда амалий машғулотлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа ишларини маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда чет эл инжиниринг компаниялари хизматлари ўрнини босқичма-босқич эгаллаш;

мамлакатимиз муҳандис-лойиҳаловчиларини ва бошқа мутахассисларни лойиҳалашнинг замонавий стандартларига амалий ўргатиш мақсадида иқтисодиёт базавий тармоқларининг объектларида контрактлар бўйича лойиҳалаш ишларини амалга ошираётган чет эл инжиниринг компаниялари томонидан лойиҳа институтларида лойиҳа гуруҳлари ташкил этилишини амалиётга жорий қилиш;

лойиҳа ишларини сифатли бажариш учун лойиҳа институтларини зарур замонавий ташкилий техника ва асбоб-ускуналар, хорижий илмий-техник адабиётлар, жаҳондаги ихтисослаштирилган нашрлар маҳсулотлари, шунингдек, илғор дастурий маҳсулотлар билан жиҳозлаш.

2. Белгилансинки, "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти иқтисодиёт базавий тармоқларида лойиҳалаш ишларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, шунингдек, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, иқтисодиёт базавий тармоқларининг корхоналари ва лойиҳа институтлари ўртасида юқори малакали муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилувчи орган ҳисобланади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ЯХШИ ҚЎШНИЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

***Туркманистон элчихонасида 2017 йилда ушбу мамлакат ташқи сиёсий фаолияти ҳамда жорий йилда ўтказадиган халқаро тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шири Шириев 2017 йил Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва яхши қўшнилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда тарихий давр бўлганини таъкидлади.

Олий даражадаги доимий мулоқотлар Ўзбекистон – Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди ва амалий мазмун билан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк хорижий ташрифини 2017 йил 6-7 март кунлари Туркманистондан бошлади. Олий даражадаги учрашувлар ўзаро ҳамкорлик ривожига кучли туртки берди ва барча соҳаларда узоқ муддатли стратегик истиқбол учун янги конструктив асослар яратди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов таъкидлаганидек, дўстлик, яхши қўшнилик, мустаҳкам савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик, ташқи сиёсатда ўзаро англашув нафақат мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади, балки Марказий Осиё ва унинг атрофида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлади.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон – Туркманистон ҳамкорлигида алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалада мамлакатларимизнинг қарашлари ўзгармас ва изчилдир. Ўзбекистон ва Туркманистон зиддиятли вазиятларни бартараф этиш, яхши қўшниликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатларни эътиборга олган ҳолда, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг шаффоф ва самарали механизмларини яратиш тарафдоридир. Бу борада қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилади. Уни барқарорлаштиришнинг бирдан-бир йўли тинч, сиёсий воситалар асосида умуммиллий мулоқот ўтказишдан иборат. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият, биринчи навбатда, БМТ Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун ўз имкониятларини ишга солиши керак.

Тинчлик ва хавфсизлик масалаларидан ташқари, мамлакатларимиз муҳим глобал масалалар – барқарор тараққиёт, энергетика хавфсизлиги, халқаро транспорт-транзит алоқалари, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига биргаликда эътибор қаратмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда "Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 16 нафар нуроний маслаҳатчи иштирок этди.**

**• Гулистонда "Коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Сирдарё вилояти прокуратураси, адлия бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари, Гулистон давлат университети, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.**

**• Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида "Мактабгача ёшдаги болаларни спортга қизиқтиришнинг самарали йўллари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, айниқса, имконияти чекланган болалар тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни катта экани қайд этилди. Мутахассислар томонидан болаларнинг имкониятига, ёшига мос машғулотлар ўтказиш, уларни турли ўйинлар, ўйинчоқлар, кўргазмали воситалар ёрдамида спортга ўргатиш бўйича тавсиялар берилди. Бу борада спортчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.**

**• Самарқандда "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди. Танлов ғолибларини аниқлашда таянч пунктларининг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги вазиятга, профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини ва аҳоли билан ҳамкорлиги, билим ва тажрибаси, вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.**

**• Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси тизимида "Эзгулик патрули" иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги "Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда хавфсиз туризмни таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу гуруҳ хорижий тилларни биладиган малакали ходимлардан таркиб топган.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Россиянинг Кемерово областида автобус иштирокида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олти киши ҳалок бўлди, тўққиз нафар одам жароҳатланди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.**

**• Кеча Бильбаода Европа лигаси турнири доирасида Москванинг "Спартак" ва маҳаллий "Атлетик" жамоалари ўртасидаги беллашув олдидан фанатларнинг тўқнашуви чоғида испаниялик полициячи ҳаётдан кўз юмди.**

**• Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиш ишлари бўйича вазири Дэвид Дэвис Брексит жараёнидан кейин ҳеч қандай алғов-далғовликлар бўлмаслиги боис саросимага тушмаслик лозимлиги, бинобарин, мамлакат иқтисодиёти ўсиб бораверишини таъкидлаб ўтди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ИҚТИСОДИЁТ БАЗАВИЙ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ ҲАМДА МУҲАНДИС-ЛОЙИҲАЛОВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий, шу жумладан чет эл таълим муассасаларининг лойиҳалашга доир амалдаги ўқув дастурларини ўрганиш асосида:

2018/2019 ўқув йили давомида олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт базавий тармоқларининг объектларини лойиҳалаш соҳасидаги янги малака талабларини, ўқув режаларини ва дастурларини ҳар томонлама таҳлил қилсин ва улар устидан мониторинг ўтказсин, шунингдек, уларни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўрсин;

ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига, шу жумладан ушбу қарор 1-бандининг учинчи хатбошисида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани бошқариш ва лойиҳалаш асослари бўйича дарсларни киритсин;

ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларини лойиҳани бошқариш ва лойиҳалаш асослари бўйича янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлашга доир, мазкур муассасалар талабалари учун муаллифлик машғулотлари ва мастер-класслар ўтказиш учун чет эл тадқиқот, таълим муассасалари ва инжиниринг компанияларидан етук мутахассислар ва муҳандис-лойиҳаловчиларни жалб қилишга доир амалий чора-тадбирлар режасининг амалга оширилишини таъминласин;

"ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институтига ва лойиҳа институтларига ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан иқтидорли муҳандис-лойиҳаловчиларни танлаб олишда мунтазам амалий кўмаклашсин.

4. Иқтисодиёт базавий тармоқларининг корхоналари – инвестициявий ва инфратузилмага оид лойиҳалар буюртмачиларига хорижий инжиниринг компаниялари ва пудратчилар билан тузилган шартномаларга лойиҳалаштириш институтларида мазкур қарорнинг 1-банди бешинчи хатбошисида белгиланган лойиҳа гуруҳларини тузиш бўйича шартларни киритиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, лойиҳа гуруҳлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасидаги норезидент доимий муассаса мақомисиз амалга оширади.

5. Лойиҳа институтларига қуйидагилар рухсат этилсин:

чет эллик юқори малакали мутахассисларни тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида лойиҳа ишларини бажаришга жалб этиш ва уларга халқаро амалиётда қабул қилинган нарх ва микдорларга мувофиқ ҳақ белгилаш;

хорижий ташкилотлар ва мутахассислар билан ишлаганда ҳар қандай техник ва тижорий ҳужжатлар ва ахборотдан биргаликда фойдаланиш, бундан давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат маълумотлар мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси халқаро ва хорижий молия институтларининг:

"ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти ва бошқа лойиҳа институтларининг муҳандис-лойиҳаловчиларини, шунингдек, ихтисослаштирилган олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркибини лойиҳа бошқаруви ва лойиҳалаштиришнинг замонавий усулларига ўқитиш, уларнинг етакчи хорижий олий ўқув юртларида, лойиҳа институтларида, ишлаб чиқариш ва инжиниринг компанияларида тажриба орттириши ва малакасини оширишини ташкил этишга;

лойиҳа ишларини сифатли бажариш учун лойиҳа институтларини зарур замонавий ташкилий техника ва асбоб-ускуналар, хорижий илмий-техник адабиётлар, жаҳондаги ихтисослаштирилган нашрлар маҳсулотлари, шунингдек, илғор дастурий маҳсулотлар билан жиҳозлашга йўналтирилган грантларини доимий асосда жалб этсин.

7. Белгилансинки, "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига киради.

8. "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институтининг бошқарув, ишлаб чиқариш ва техник ходимлари сони 300 бирликдан иборат янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти директорига:

Институт штат жадвалини мустақил равишда тасдиқлаш ва унга ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси раҳбари билан келишиб, зарур ҳолларда Институт ходимлари сони ва тузилмасига ўзгартиш киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари, лойиҳа институтлари ва инвестициявий лойиҳалар буюртмачиларининг буюртмасига асосан ўрнатилган тартибда етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва мутахассисларига, шу жумладан улар оила аъзоларига кириш визаларини консуллик йиғимларини олмасдан расмийлаштиришни таъминласин, таклиф этаётган томон тўлайдиган амалий харажатларни қоплашга доир йиғимлар бундан мустасно.

10. Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, лойиҳа институтлари ва инвестициявий лойиҳалар буюртмачиларининг буюртмаларига асосан етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва инжиниринг компаниялари мутахассисларига, шу жумладан улар оила аъзоларига давлат божларини ундирмай ўрнатилган тартибда кўп марталик визалар бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтишни таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, лойиҳа институтлари ва инвестициявий лойиҳалар буюртмачиларига республикага юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этишга рухсатномалар бериш (узайтириш), шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар берилишини таъминласин.

12. "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси раҳбари билан келишган ҳолда "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институтининг янгиланган низомини бир ой муддатда тасдиқласин;

ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари билан биргаликда уч ой муддатда магистратуранинг иқтидорли талабаларини рағбатлантириш ва мотивациялаш, уларни "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти ва бошқа лойиҳа институтларига ишга қабул қилиш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 22 февраль*

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

# ЯХШИ ҚЎШНИЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Транспорт соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз минтақадаги кенг қамровли энергетик лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар тўғрисида гап кетганда, йилига 25 миллиард куб метр газ ўтказадиган Туркманистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой қувурини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Халқларимиз азалдан ёнма-ён, аҳил-иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган, савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда.

Халқларимизнинг тарихан шаклланган яқин дўстлик ришталари ва муштарак маданий илдизлари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ўзаро англашув мустаҳкамланиши ҳамда сермаҳсул ҳамкорлик ривожланишига хизмат қилмоқда.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**
**ЎзА**

## Маданият

# МАДҲИНГНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАНИМ

***Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тизимидаги Миробод тумани 1-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказида туман бадиий-ҳаваскорлик жамоаларининг "Ватаним, мадҳингни куйлайман" деб номланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди.***

– Бу концерт ўтган бир йил давомидаги дастуримиз сарҳисоби ҳисобланади, – дейди Миробод туман маданият ва аҳоли дам олиш марказининг бадиий раҳбари Наргиза Пўлатова. – Мусиқий тадбирда театр студиялари аъзоларининг қизиқарли чиқишлари, рақс жамоаларининг дилбар рақслари, фольклор йўналишидаги куй ва қўшиқлар жамланмаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Айниқса, "Бўстон" эстрада халқ жамоаси, "Бувижон" халқ ҳаваскорлик фольклор жамоаси, "Бинафша", "Асса, йигитлар" рақс дасталари ҳамда "Ёш юлдузлар" ва"Ёш ижодкорлар" театр студияларининг саҳна кўринишлари томошабинларимиз олқишларига сабаб бўлгани бизни қувонтирди.

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК МЕЗОНЛАРИ

***Ўзбекистон давлат академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Тинчлик ва осойишталик мезонлари" мавзуида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Театр ходимлари ва ёшларни сиёсий жараёнлар, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан таништириб бориш мақсадида ташкил этилган тадбирда маънавият етакчилари, маданият соҳаси мутахассислари, актёрлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

– Халқаро терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси ва ёшларнинг онгини заҳарловчи мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашишга доир ўтказилаётган тадбирлар ҳамда тарғибот ишларининг изчиллик билан олиб борилишида юртимиз театрларида қўйилаётган спектаклларнинг мазмун-моҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистри Муяссар Латипова. – Огоҳликка чорловчи, инсонларни эзгуликка етакловчи саҳна асарларининг кўпроқ яратилиши нафақат ёшларнинг, балки барчамизнинг маънавий, сиёсий дунёқарашимизни теранлаштиришда, онгу тафаккуримизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбати фикр-мулоҳазаларга бой тарзда, мароқли ва мазмунли ўтди.

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР АНЪАНАСИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида ёғоч ўймакори Ғуломжон Йўлдошев ва унинг шогирдлари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма "Устоз ва шогирд" деб номланди.***

Кўргазмада уста ўймакор Ғулом ака ва унинг шогирдлари Акмал Юсупов, Бунёд Зоиржонов, Саидкамол Хўжаевнинг энг сара асарлари томошабинларга тақдим этилди. Ёғочдан ясалган "Гўзаллик", "Ҳаёт завқи", "Беғубор болалик" деб номланган бир қанча буюмлар турли хил композицион тузилиши, табиатга уйғун ҳолда ясалганлиги, техник услубларнинг ўзига хослиги ҳамда гўзаллиги билан алоҳида ажралиб, устоз-шогирдлар ишининг нечоғли мураккаб ва шу билан бирга шарафли эканлигини тасдиқлаб беради.

**Гулнигор САТТОРОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Ҳиндистоннинг кимё саноати ва ўғитлар давлат вазири Мансуҳ Мандавия бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг фармацевтика ва кимё саноати соҳасида фаолият юритаётган компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ҳиндистоннинг кимё саноати ва ўғитлар давлат вазири М.Мандавия ва бошқалар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга экани, ўзаро манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойилларига асосланган ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқалар бугун барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот, 2017 йилда ШҲТнинг Остона саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашуви якунлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш, фармацевтика, туризм, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қурилиш каби қатор соҳаларда яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон Ҳиндистонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва сайёҳлик хизматлари, ўсимлик шарбатлари ва экстракти, кўнчилик хомашёси экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика ва кимё саноати маҳсулотлари, механик ва электрон ускуналар, автомобиль эҳтиёт қисмлари импорт қилинади. 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда ҳинд тадбиркорлари сармояси иштирокида тузилган 100 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, фармацевтика соҳасида "Курамакс Медикал", "Новафарм", "Браво Фарм", "Ультра Хелс Кеар" каби қўшма корхоналар тузилган. Мамлакатимизда Ҳиндистоннинг 16 компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Форум доирасида меҳмонларга мамлакатимизда ишлаб чиқаришни эркинлаштириш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, эркин ва кичик саноат зоналари, уларда инвесторлар учун яратилган солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликлар ҳақида маълумот берилди. Ҳиндистон фармацевтика ва кимё саноати компаниялари вакиллари мамлакатимизнинг шу соҳадаги салоҳияти билан ҳам атрофлича таништирилди.

Юртимизда 1100 дан ортиқ турдаги доривор ўсимлик мавжуд. Улардан 1 минг 400 дан зиёд хилдаги дори-дармон ишлаб чиқарилаётир. Олимлар янги препаратлар яратиш устида изланмоқда. Бу ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш, маҳаллий препаратлар тайёрлашни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлигида фармацевтика тармоғи алоҳида ўрин тутади, – деди М.Мандавия. – Ушбу ташрифдан мақсад фармацевтика саноатини янада ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, биргаликдаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишдан иборат. Бизнес-форум келажакдаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш имконини бергани билан муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда фармацевтика ва кимё саноати соҳасидаги алоқаларни фаоллаштириш, шу орқали савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, Ҳиндистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Мамлакатимизда 50 дан ортиқ компания ва корхона реклама ва маркетинг соҳасида фаолият юритади. Улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва кўрсатадиган хизматлар турли ташкилот ва идоралар эътиборини тортмоқда. Бундай талаб ва эҳтиёж компания ва корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда рақобат кучайишига кенг йўл очиши табиий ҳолдир. Тегишли талабларга мувофиқ, пухта ишлаб чиқилган маркетинг стратегияси бу жараёнда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.***

## ADWEEK ҲАФТАЛИГИ:

# ҒОЯ ВА ИЗЛАНИШЛАРГА ЧОРЛОВ

Компанияларнинг реклама ва маркетинг соҳаси равнақи учун ишлаб чиқилган стратегияси замирида маҳсулот ва хизмат турлари намойиши энг муҳим жиҳатдир. "Миллий маркетинг маркази" корхоналар уюшмаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида анъанавий ташкил этилаётган ADWEEK маркетинг ва реклама ҳафталиги бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йил 26 февраль куни ушбу ҳафталик доирасидаги тадбирлар бошланади. Унинг давомида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани, маҳорат дарслари, "Сайёҳлик маҳсулоти маркетинги" мавзуида тадбир, маркетинг ва рекламалар кўргазмаси, маркетингга доир конференция ҳамда реклама танлови бўлиб ўтади. Тадбирлар Миллий матбуот маркази, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "GroundZero" бизнес маркази ва "International" меҳмонхонасида ўтказилади.

– Барча соҳаларда бўлгани каби реклама ва маркетинг имкониятларини кенгайтиришда ўзаро ҳамкорлик, янги ғоя ва ишланмалар бўйича танловлар, маҳсулот ва хизмат турлари намойиши катта аҳамият касб этади, – дейди "Миллий маркетинг маркази" корхоналар уюшмаси бошқаруви раиси Диёр Мирзааҳмедов. – Шу маънода, ҳафталикнинг асосий ва муҳим вазифаси реклама ва маркетинг соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришда назарий ва амалий кўмак беришга қаратилган. Ҳафталик доирасида ўтказиладиган конференцияда 38 нафар хорижий ва маҳаллий эксперт маркетинг ва рекламанинг амалий жиҳатларига бағишланган долзарб мавзулардаги ғоялари ва тажрибаси билан ўртоқлашади.

Ҳафталикнинг маркетинг ва реклама кўргазмаси намойишида 20 дан ортиқ компания ва корхона иштирок этади.

– ADWEEK ҳафталиги компания ва корхоналар ишини ҳар жиҳатдан намунали ва талаб даражасида ташкил этишда билим ва тажриба мактаби бўлмоқда, – дейди "Зийнат дизайн" МЧЖ раҳбари Шерзод Эркабоев. – Чунки ҳафталикда соҳа мутахассислари билан суҳбатлашиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки хизмат турлари билан батафсил танишиш имкониятига эга бўламиз. Биз биноларнинг ташқи ва ички дизайни билан шуғулланамиз. Ўтган йилги иштирокимиз бир қанча музейлар билан ҳамкорлик қилиш имконини берди.

Ҳафталикнинг яна бир муҳим тадбири 2 март куни ўтказиладиган реклама танлови якунидир. Унда иштирок этувчиларнинг ҳужжатлари 2017 йил 5 октябрдан 2018 йил 31 январгача қабул қилинган эди. Маълумотларга кўра, танловга мамлакатимиздаги 52 компания, корхона мутахассислари ва 8 олий таълим муассасаси талабалари ижодий ишларини топширган. Тадбирда "Реклама соҳасидаги ютуқлари учун", "Реклама соҳасидаги хизматлари учун" ва "Рекламани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади. Бу ҳақдаги батафсил маълумотларни AfishaMedia томонидан махсус ишлаб чиқилган AfishaEvents қайд этиш майдончаси ва www.adweek.uz сайтидан олиш мумкин.

Мухтасар айтганда, ADWEEK ҳафталиги мамлакатимизда жадаллик билан ривожланиб бораётган реклама ва маркетинг соҳасининг такомиллашуви, бу йўналишда иш юритадиган компания ва корхоналар барқарорлигини таъминлаш баробарида уларнинг ходим ва мутахассисларини янги-янги ғоя ва ижодий изланишларга чорлайди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

# КИТОБЛАР – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

***Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси улуғ аждодларимизнинг бу борадаги эзгу ишларини давом эттиришда, халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, китобхонлик маданиятини тўғри талқин этиш ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди.***

Китоб маҳсулотларини чиқариш ва уларнинг жамиятда муайян ўрин эгаллашини тартибга солиш жуда кўп ташкилот ва муассасалар қатори ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳам вазифасидир.

— Юртбошимизнинг ушбу қарори маънавият ва маърифат аҳли қаторида бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Умида Тешабоева биз билан суҳбатда. – Кутубхонамиз фондида XV-XIX асрларда чоп этилган 250 мингдан зиёд бебаҳо маънавий бойлик, 75 тилдаги ҳужжатлар, қўлёзма манбалар ва ноёб китоблар, тасвирий, картографик ва нота-мусиқий нашрлар мавжуд. Айниқса улар орасида Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Имом Бухорий каби улуғ алломаларимизнинг қўлёзма асарлари сақланаётганлиги зиё масканимиз учун катта шарафдир. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб" деган пурмаъно ҳикматли сўзлари китобларнинг ҳаётимиздаги ўрни нечоғлик юқори эканлигини яна бир карра исботлайди. Негаки дунёда ҳамма нарса эскириши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши мумкин, лекин китобларнинг асл мазмуни, моҳияти ва ҳаётимизда тутган ўрни ҳеч қачон ўзгармайди. Аксинча, улардан олинган таассуротлар маънавиятимизнинг, қалбимизнинг гултожига айланиб бораверади. Кўнглимиз нури, ҳамроҳи, дарду ташвишларимиз малҳами, ҳаёт йўлимиз устози бўлган китоблар умримизнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 150 йиллик тарихга эга қутлуғ даргоҳ ҳисобланади. Ушбу маънавият маскани истиқлол йилларида бутунлай ўзгача қиёфа кашф этди. 2011 йилда кутубхонанинг замонавий ҳамда дунё стандартларига жавоб берадиган янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш учун мамлакатимизнинг ҳар қандай жойидан туриб бу ерга мурожаат қилиш, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланиш ва халқаро амалиётда тажрибадан ўтган хизмат кўрсатиш шакллари ва илғор дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин.

Кутубхонада саккиз юз ўринли 11 та ўқув зали энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. Адабиёт фонди, каталог ва картотекалардан ташкил топган маълумотқидирув аппарати, табақалашган ва юқори малакали кутубхона-библиографик хизмати кўрсатишнинг қулайлиги фойдаланувчилар сафини йилдан-йилга оширмоқда. Бугунги кунда кутубхонага 192 минг нафардан ортиқ китобхон аъзо бўлган.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ундаги ресурслар ҳақида маълумот берувчи инфокиосклар ўрнатилган. Бу ерда турли йўналишларда жонли мулоқот қилиш, фикр алмашиш, у ёки бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини бемалол билдириш, омма олдида ўзини тутишга қаратилган иқтидорли ижодкорлар учун инглиз тили ва корейс тили сўзлашув клублари фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, кутубхона энг кўп хорижий илмий-таълимий электрон базаларга обунани амалга ошириб келмоқда. Ушбу базалардаги ахборотларнинг ҳажми миллионлаб нусхани ташкил этиши, жаҳон миқёсида фаннинг барча соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва ихтироларни акс эттирувчи энг янги нашрлар билан тезкор равишда танишиш имконини берувчи асосий манба ҳисобланади.

– Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, кутубхонамизда кутубхоналараро абонемент хизматини такомиллаштириш, ресурсларни масофага етказиб бериш хизматини татбиқ этиш каби жараёнлар ҳам йўлга қўйилган. Китоб бериш жараёнининг автоматлаштирилиши китобхон учун "Буюртма-онлайн" хизматидан фойдаланиш имконини беради, – дея қўшимча қилиб таъкидлайди Умида Тешабоева.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги Қарори ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, китоб меросини кўз қорачиғидек асрашга, тарғиботини кучайтиришга, бу борадаги муаммоларни танқидий таҳлил қилиш ва соҳани мукаммал ўрганишга ҳамда мавжуд камчиликларнинг ечимини топишда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

# ҚОНУННИ ЧЕТЛАБ ЎТМАНГ

***Яқинда жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди томонидан 1979 йилда Хоразм вилоятида туғилган, уч фарзанднинг онаси Шакаржон Бекжонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) иши кўриб чиқилди.***

Маълум бўлишича, Ш.Бекжонова 2013 йилда Хонқа тумани ИИБ томонидан берилган фуқаролик паспортида ИИБ ХЧК ва ФРБнинг дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсатнома ёзуви "стикери"ни расмийлаштирмасдан, қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни бузиб, 2016 йил 25 июнь куни "Боку-Истамбул" йўналишидаги авиарейс билан Туркия давлатига учиб борган. Бу ҳолат кейинчалик бир неча бор такрорланган.

Хусусан, 2017 йил 3 март куни Россия Федерацияси орқали,12 сентябрь куни Озарбайжон Республикаси орқали Туркияга борган.

Суд мажлисида Ш.Бекжонова айбига тўлиқ иқрор бўлди. У Туркияга бориб, Сакаря шаҳри, Бағчализвлар маҳалласи, 6-уйда яшовчи турк миллатига мансуб 84 ёшли Мушарраф Гур исмли аёлнинг уйида уй ишларини бажариб, унга қараганини сўзлаб берди. 2017 йил 6 март куни Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига борганида уни Россия давлатига киритишмаган. Натижада 7 март куни яна Туркияга бориб ишини давом эттирган.

Ш.Бекжонова 2017 йил 25 декабрь куни, янги йил арафасида фарзандларини соғиниб, Тошкент халқаро аэропортига учиб келиб, божхона назоратидан ўтаётганда фуқаролик паспорти текширилганда мавжуд тартиб-қоидаларни бузганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, хонқалик Ш. Бекжонова кўра-била туриб, мамлакатимиздан ноқонуний тарзда четга чиққан.

Суд Ш.Бекжоновага нисбатан жазо турини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, аёллиги, муқаддам судланмаганлиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги ва бошқа жиҳатларни инобатга олди.

Ш.Бекжонова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси, 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. Юқоридаги модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Аммо инсонпарварлик принципига амал қилиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 2 йил синов муддати берилди. Ш.Бекжонованинг хулқи устидан назорат олиб бориш унинг доимий яшаш жойидаги туман ИИБ зиммасига юклатилди.

Ўйлаймизки, суднинг бу ҳукмидан Ш. Бекжонова ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Қайтиб давлатимизда белгиланган тартиб-қоидаларни бузмайди.

**Музаффар КЎКИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Сергели тумани суди судьяси**

# АДВОКАТЛАР ФУҚАРОЛАРГА БЕПУЛ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

***Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи адвокатлик тузилмалари томонидан ҳафтанинг маълум кунида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича "Очиқ эшиклар куни" ўтказилади.***

Ана шундай "Очиқ эшиклар куни" пойтахтимиздаги "Ҳимоя манбаи" адвокатлик ҳайъатида бўлди.

Аҳолига буни билдириш мақсадида ижтимоий тармоқларда хабарлар жойлаштирилиб, бинога "Ҳар пайшанба куни соат 9 дан 18 гача фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат берилади" деган эълон илинди.

Сухроб Раҳмонов фирибгарларга алданиб қолган. Уй сотиб олиш учун келишилган маблағнинг 6 минг АҚШ долларини хонадон эгасига олдиндан беради. Уйнинг эгаси эса фикридан қайтиб, бошқа бировга сотиб юборади. 6 минг долларни олиб Ўзбекистондан чиқиб кетади. С.Раҳмонов бундай вазиятда кимга мурожаат қилиш, берган маблағини қандай қайтариб олиш мумкинлигини сўраб, адвокатга мурожаат қилди.

Адвокат Шерзодбек Собиров унга нима қилиш кераклигини, ишни қандай бошлаш ва қаерга, қандай мурожаат қилиши лозимлигини батафсил тушунтирди.

– Турмуш қуриб, олти ой бирга яшадик, бироқ келишолмадик. Шу сабабли ажрашмоқчиман. Аммо келин томон бунга рози бўлмаяпти. Ўзаро розиликсиз никоҳни бекор қилиш мумкин эмас, дейишяпти ФҲДЁ ходимлари. Бу борада менга қандай маслаҳат берасиз?

Адҳам Маликов адвокатга шундай савол билан юзланди.

– Бундай ҳолатларда аввало, маҳаллаларда ташкил этилган яраштирув комиссиясига мурожаат этиш лозим, – деди адвокат Фазлиддин Соатжонов. – Улар вазиятни ҳар жиҳатдан ўрганади. Комиссия аъзолари, аввало, оилани сақлаб қолиш, ажримнинг олдини олиш бўйича иш олиб боради. Мабодо ажралишга асосли сабаб борлигини эътироф этиб, шу бўйича далолатнома берилса, ундан кейин шу ҳужжат билан тегишли органларга мурожаат этишингиз мумкин.

"Очиқ эшиклар куни"да фуқаролар турли соҳалар бўйича, айниқса, уй-жой, ер ажратиш, мерос билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш юзасидан мурожаат қилди.

– Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни"дан кўзланган асосий мақсад – жисмоний ва юридик шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, улар дуч келаётган муаммолар юзасидан тушунтириш бериб боришдан иборат, – деди "Ҳимоя манбаи" адвокатлар ҳайъати раҳбари Шаҳзод Шарипов. – Бу лойиҳа асосида аҳолига сифатли, тезкор юридик ва адвокатлик хизмати кўрсатиш таъминланади. Фуқаролар нафақат адвокатдан ҳуқуқий маслаҳат олиши, балки суд ишини кўриб чиқиш бўйича адвокатлар билан шартномалар тузиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, ҳайъат адвокатлари Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги "Уйсозлар", "Ўрта масжид", "Иқбол", "Янгинур" маҳалла фуқаролар йиғинларига бориб, ойига бир мартадан бепул ҳуқуқий маслаҳат бериб боради. Маҳалла раислари аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида адвокатларга эҳтиёжи борларни йиғиб, бизга мурожаат қилса, албатта, адвокатлар бориб маҳалланинг ўзида хизмат кўрсатади.

**Г.САТТОРОВА**

***Мамлакатимизда тинч-тотув ва аҳил-иноқ истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари экани кўп ҳам хаёлимизга келавермайди. Сабаби оддий, юртимизда олиб борилаётган одилона сиёсат, она диёримиздаги осойишталик, ижтимоий барқарор, ўзаро меҳр-оқибат муҳити, миллатидан қатъий назар, барчани шу табаррук замин равнақи, унинг истиқболи йўлида якдил бўлиб меҳнат қилишга чорловчи асосий омилдир.***



## Ўзбекистон – умумий уйимиз

# ЯГОНА ВА АҲИЛ ОИЛАДА

Миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитининг мустаҳкам шакллангани юртимизда миллий маданий марказларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши борасида яратилган шароит ва имкониятлар билан ҳам бевосита боғлиқ. Юртимиздаги миллий маданий марказлар сафида Республика тожик миллий маданий маркази ҳам ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, бағрикенглик, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларида тарбиялашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари орасида тожиклар ҳам борлиги, икки халқнинг дўстлиги, анъана ва урф-одатлари, эътиқоди, яшаш тарзи, ҳаётий қарашларида муштараклик мавжудлиги тарихий, адабий, илмий-маърифий манбалардан яхши маълум.

Мактабларимизда тожик тилида ҳам ўқиш имконияти мавжуд. Бу тилда чоп этилаётган нашрларнинг ўз ўқувчиси, эфирга узатилаётган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг доимий аудиторияси бор. Бир қатор олий ўқув юртларида тожик филологияси ўқитилади.

– Миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини таъминлашдаги улкан эътибор бизнинг марказ фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда, – дейди Республика тожик миллий маданият маркази раисининг ўринбосари Тожибой Икромов. – Фаолиятига 10 йил тўлган ушбу марказнинг таркибий тузилмасида Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Жиззах вилоятларидаги ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Бухоро вилоятида "Офтоби Сўғдиён", пойтахтимиздаги "Ориёно", Чирчиқ шаҳрида "Сўғдиён" марказлари ишлаб турибди.

Марказ томонидан "Авесто"нинг 2700 йиллиги, Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рўдакий, Жалолиддин Балхий Румий, Мир Сайид Али Ҳамадоний, Абдураҳмон Жомий, Садриддин Айний кабиларнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган адабий тадбирлар кўпчиликка манзур бўлди. Шу билан бирга, асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ижодкорлар билан учрашувлар ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Марказ томонидан ҳар йили тожик тили куни, тожик халқининг тарихи ва маданияти бўйича ижодий танловлар, адиблар билан учрашувлар, мушоиралар, рассомлар, халқ амалий санъати усталари ижоди юзасидан кўргазмалар, ҳар икки халқ адабиёти, санъати ва маданиятига оид адабиётлар экспозицияларининг мунтазам ташкил этилиши яхши анъанага айланган. Марказ фаоллари, унинг таркибидаги бадиий жамоалар "Ўзбекистон – умумий уйимиз", "Шу азиз Ватан –барчамизники!" каби дўстлик фестивалларининг доимий иштирокчиси. Ҳар йили Тошкентдаги "Дўстлик боғи"да бўлиб ўтадиган Наврўз сайлида барча дилдан яйрайди. Сабаби, бу айём Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар – бутун Ўзбекистон халқининг бирдамлиги, аҳиллиги ва дўстлигининг ўзига хос рамзига айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий маданий марказлар фаолиятига кўрсатилаётган улкан эътибор ушбу тузилма фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйишда, қизиқарли, ранг-баранг фестиваль, ижодий лойиҳалар, танловлар, концерт дастурлари, умрбоқий анъана ва қадриятлар тараннумига бағишланган кечалар ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жиҳат марказ фаолларининг янада самарали меҳнат қилиши, ўз санъати, ижоди, фаолияти билан юрт тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшишида асосий омил бўляпти.

– Ўзбек ва тожик халқларини бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева. – Бу икки халқ азалдан қуда-анда бўлиб келган. Ахир уларнинг тафаккури, турмуш тарзи, эътиқоди ва қарашлари ҳам муштарак. 2017 йил кузда Тожикистоннинг Конибодом шаҳрида бўлиб ўтган мусиқа анжуманида қўшни юрт аҳли ўзбек миллий мусиқа санъатини нечоғли юксак қадрлаши яна бир бор намоён бўлди. Кўплаб учрашувлар, маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотлар, концертлар икки халқнинг санъати ва маданияти нақадар яқин ва муштарак эканини кўрсатди. Тўй-тантаналар, мусиқий кечаларда биргаликда мақомлардан намуналар, ёр-ёрлар куйлаш насиб этаверсин.

– Бухоро вилоятида туғилганман, – дейди моҳир бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мустафо Бафоев. – Тарихимиз, мусиқа санъатимиз, адабиётимиз бири-бирига ғоят муштарак. Улуғ мутафаккирлар Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, ижодий ҳамкорликка айлангани тарихдан яхши маълум. Ўзбек халқининг севимли адиби Садриддин Айний ўз асарларини икки тилда яратган. Юртимизда ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли "Умар Хайём", "Ал-Фарғоний", "Хамса" сингари асарларим Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида муваффақият билан намойиш этилмоқда. Шу билан бирга, Душанбе шаҳридаги Садриддин Айний номидаги опера ва балет театри учун ҳам опералар ёздим.

Моҳир режиссёр Бақо Содиқовнинг картиналари юртимиз ва хорижда ҳам кино мухлисларига яхши маълум. 2018 йилнинг 26 январида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти топширилганида ижодкор қувончу ҳаяжонининг чегараси йўқ эди.

Марказ фаолларидан бири Саодат Бекназарова пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Алихонтўра Соғуний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Опанинг айтишича, бундан 28 йил муқаддам унинг яқинлари хонадонига тушган келин учун энди тожикистонлик қариндошлари ҳолидан хабар олиш имкони пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг қўшни давлатлар ўртасида ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишга доир саъй-ҳаракатлари қанча-қанча оилалар яна дийдор кўришиши, қардошлик, эзгулик, меҳр-мурувват, саховат ва оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

...Даврада жўшқин куй-қўшиқ янграйди. Дилбар шеърлар ғазалларга уланади. Мушоира, мулоқотлар ҳали узоқ давом этади. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинч ва осуда, бахтиёр, тўкин ва фаровон ҳаётнинг амалий ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ аукцион савдосига акциядорлик тижорат Халқ банки Қуйичирчиқ филиалининг 19.02.2018 йилдаги № 161-сонли буюртманомасига асосан акциядорлик тижорат Халқ банки Қуйичирчиқ филиали тасарруфида бўлган: 1.Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Қўрғонча Қ.Ф.Й.,Тўқбой маҳалласида жойлашган умумий майдони 33,08 кв.м. бўлган № 3-сонли шохобча. Бошланғич нархи 20 474 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Кетмонтепа Қ.Ф.Й., Мингчинор маҳалласида жойлашган умумий майдони 82,56 кв.м. бўлган № 5-сонли шохобча. Бошланғич нархи 70 488 000 сўм бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2018 йил 27 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 27 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 3, 10, 17 ва 24 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalq banki" Юнусобод филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: ҳ/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Тел: +998 71 236-25-53.

*Лицензия RR – 0298*





## Спорт янгиликлари

# ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишлаб ижодкорлар ва журналистлар ўртасида шахмат бўйича мусобақа ўтказилди.***

Мусобақада биринчи ўрин Асрор Мўмин, иккинчи ўрин Хуршид Дўстмуҳаммад, учинчи ўрин Талант Бекка насиб этди. Шунингдек, "Нуроний" жамғармаси томонидан ўтказилган турнирда ёзувчилар Ҳабиб Темиров ва Сувон Мелиев, Ўзбекистон ДЖТУ проректори Акбар Нурматовлар рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ топилди.

# БИШКЕКДА ЧЕМПИОНЛИК ЖАНГЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

***Жорий йилнинг 11 март куни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида аралаш яккакураш жанг санъатлари бўйича мусобақа бўлиб ўтади.***

"Falco Fighting Chempionship" (FFC) турнирида жами 16 та жанг бўлиб ўтади. Улардан биттаси чемпионлик жанги ҳисобланади. Унда ўзбекистонлик Отабек Ҳамзалиев қирғизистонлик Бахтиёр Тойчубаев билан куч синашади. Жанг 63 кг. вазн тоифасида бўлади.

Шунингдек, ушбу кечада яна 6 нафар яккакурашчимиз ўзларининг навбатдаги жангларини ўтказишади.

Кечанинг асосий жанги 66 кг. вазн тоифасида қирғизистонлик Жанибек Бейшебек ҳамда қозоғистонлик Анатолий Золотих ўртасида кечади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# ЯНГИ МУРАББИЙДАН УМИДИМИЗ КАТТА

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини эндиликда хорижлик мутахассис бош мураббий сифатида бошқариши Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарлари томонидан эълон қилинганлиги барчага маълум.***

Ҳозирда бу борада хорижлик мутахассислар билан музокара жараёни давом этмоқда. Март ойида миллий терма жамоамиз Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритган Африка қитъаси вакиллари — Сенегал ва Марокаш терма жамоаларига қарши назорат-ўртоқлик баҳсларида майдонга тушади. ЎФА раҳбарлари Сенегал ҳамда Марокаш терма жамоаларига қарши Касабланка шаҳрида уюштириладиган баҳсларга миллий терма жамоамизни Темур Кападзе вақтинчалик бош мураббий сифатида тайёрлашини маълум қилишди. Хуллас, бўлажак ўйинларга футболчиларни саралаш, тайёрлаш Темур Кападзе зиммасига юклатилди. Футболчилик фаолияти давомида "Нефтчи", "Пахтакор", "Бунёдкор", Жанубий Кореянинг "Инчхон", БААнинг "Шаржа", Қозоғистоннинг "Актобе" ҳамда Тошкентнинг "Локомотив" жамоаларида тўп сурган Темур Кападзе миллий терма жамоа сафида 119 марта майдонга тушган ва бу борада рекорд ўрнатганлигини эслатиб қўйиш ўринли. Темур Кападзе вақтинчалик бош мураббий сифатида дарҳол ишга киришди. Яъни, у ЎФА раҳбариятига Касабланкада Сенегал ва Марокаш терма жамоаларига қарши ўйинларда майдонга тушиши мумкин бўлган футболчиларнинг кенгайтирилган рўйхатини тақдим этди. Рўйхатдан ўрин олган 30 нафар футболчи орасида янгилари ҳам кўплиги кишини қувонтиради. Албатта, рўйхатда Хитойда ўтказилган 23 ёшли футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритган чарм тўп усталарининг ҳам борлиги мухлисларни хушнуд этиши табиий.

Миллий терма жамоага таклиф этилган футболчилар 19 март куни Тошкентга йиғилишади ва эртасига Истанбул орқали Марокашга жўнаб кетишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

"101"

# БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлаб, Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига ҳар биримиз масъулмиз. Афсуски, айрим бефарқ ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабабли хонадонларда ёнғинлар юзага келиб, ҳатто мурғаккина гўдакларнинг ҳаётдан эрта кўз юмаётганлиги, ачинарли ҳолдир.

Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак лоқайдлигимиз туфайли бахтсиз ҳодисанинг қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз ёнғин. Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Албатта, бундай ҳолларга йўл қўймасдан, хавфсизлик қоидаларига амал қилсаккина ёнғин балосига дучор бўлмаймиз.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик қанчалар аянчли ҳолатларга олиб келаётгани ачинарли. "Тилсиз ёв" нафақат мол-мулк, балки инсонларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўймоқда.

Ёнғин содир бўлган хонадон вайронага айланади, уйидан файз-барака учади. Ачинарлиси, бир инсон ёки кичкинтой гўдак оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногиронга айланиши ёки вафот этиши мумкин. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин ҳосил бўлади.

Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан унумли фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг. Сизнинг келажагингиз бўлмиш азиз фарзандларингизни олов дастидан бир умрга ногирон бўлиб қолишларига ёки мурғак умри зомин бўлишига йўл қўйманг!

**Р.ҒУЛОМОВ,**
**Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Барча маскан ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезкор чора-тадбирлар ўтказилиши, аҳоли ва ишчи-хизматчилар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилишига қарамай, ҳамон ёнғинлар содир бўлмоқда.

Сабабсиз воқеа-ҳодиса юз бермайди. Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса замирида кимнингдир айби бор. Хонадонларда содир бўлган ёнғинларга ҳам кимнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги сабаб бўлмоқда. Таҳлил ва кузатишлар натижаларига кўра фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиши, спиртли ичимлик ичиб, тамаки чекиши оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳар ким ўз вақтида хулоса чиқариб олмаётганлиги таажжубли ҳолдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилингандагина унинг олди олинади.

**Муҳайё МИРАЗОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биноси ЁХБ кичик инспектори**

* * *

Ёнғиннинг олдини олиш мақсадида муассаса, ташкилот, хўжалик ва корхоналар ишчи-ходимлари билан ўтказилган учрашув ва суҳбатларда носоз электр ускуналаридан фойдаланиш оқибатлари ҳақида тушунчалар бериб борилмоқда.

Олов учун мулкнинг катта-кичиги бўлмайди. Аланга олгач, мулк қадр-қиммати кулга айланиши мумкин. Шундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун эса фуқароларнинг ўзи ташаббускор бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажаришлари, уни фарзандларига ҳам ўргатишлари лозим.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Ёдингизда бўлсин, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон.

**Худоёр ШОКИРОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, сержант**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### 2018 йил 1 мартдан Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўртасида "Спорт ўйинлари лигаси" старт олади.

2018 йил 1 мартдан бошланиб 25 сентябрга қадар давом этадиган ушбу мусобақада умумтаълим мактабларининг 8-9-10-синф ўқувчи-ёшларидан иборат жамоалар спортнинг баскетбол, волейбол ва гандбол турлари бўйича беллашадилар.

Мазкур мусобақаларга Тошкент шаҳридаги 284 та умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган **30 672 ўқувчи-ёшлар** (шундан 15336 нафари қизлар) **жалб қилинади.**

Мусобақаларга асосан умумтаълим мактабларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, ички ишлар бўлими профилактик ҳисобида ҳамда мактаб ички назоратида турувчи ўқувчи-ёшларнинг жалб қилиниши белгиланган.

Мусобақаларда спорт таълим муассасаларида (болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари) мунтазам равишда шуғулланиб келаётган спортчи-ўқувчиларнинг иштирок этишлари **қатъиян ман этилади.**

### Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларни спорт мусобақаларига таклиф этамиз.

Жорий йилнинг **5-15 март кунлари** пойтахтимизда тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган барча корхона ва ташкилотлар ўртасида "Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун" спорт мусобақалари ўтказилади.

Ушбу мусобақалар спортнинг волейбол, бадминтон, стол тенниси, сузиш ва енгил атлетика турлари бўйича бўлиб ўтади.

Мусобақаларда иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 3 мартига қадар Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига ўз таклифларини билдиришлари керак.

2018 йил 3 март куни соат 11.00 да Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида келиб тушган таклифлар асосида шакллантирилган жамоалар ўртасида спорт турлари бўйича "Қуръа ташлаш" маросими бўлиб ўтади.

Мусобақаларнинг спорт турлари бўйича асосий финал баҳслари ва тақдирлаш маросими 2018 йилнинг 17 март куни Мирзо Улуғбек туманидаги "Ёшлик" спорт мажмуасида ўтказилади.

**Қўшимча маълумотлар учун: 232-20-96, (90) 374-21-18, (94) 621-02-08 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй.**

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "G'alla-Alteg" АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 37-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. "Toyota Corolla" русумли давлат рақами 01/474 SAA, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 27 628 000 сўм. 2. "Камаз" русумли давлат рақами 01/403 NCA, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 10 706 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2018 йил 15 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 13 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк"нинг Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. (0-371) 228-79-52.

*Гувоҳнома № 001805*

**Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!**
**"БЕК ТЎПИ САВДО КОМПЛЕКСИ"** масъулияти чекланган жамияти, чекланмаган миқдорда улгуржи ва чакана тарзда пиёз маҳсулотларини сотади.

Тўлов шартлари ихтиёрий (нақд, пластик карта, пул ўтказиш ва бошқа кўринишларда).

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Тошкент ҳалқа автомобиль йўли бўйи, 12-уй. Тел: 230-32-16, 230-57-60, 230-57-33.

Маҳсулот сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармаси 473,0 тн. миқдорда тоннасини 240,0 минг сўмдан иссиқ, майда тошли ва ғовакли 2-категориядаги асфальт-бетон массасини харид қилади. Тел: 295-36-47, 295-30-50.

"SUNRISE INVEST" МЧЖ (ИНН 303469917) таъсисчиларнинг 20.02.2018 йилдаги № 1 баённомасига асосан М.Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 15.10.2012 йилда реестр рақами №007652-04 билан рўйхатдан ўтган "ARENA STANDART" МЧЖ (ИНН 302403801)га қўшилаётганини маълум қилади.

"SUNRISE INVEST" МЧЖ ҳуқуқий вориси "ARENA STANDART" МЧЖ ҳисобланади, "SUNRISE INVEST" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: +99894 669-77-70


Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2004 йилда Қобилова Малика Муротовна номига берилган К № 053917 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

М.Улуғбек тумани Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Джурабаева Робия Собир қизи номига берилган К № 3165980 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Эгамбердиева Умида Боҳодировна номига берилган К № 787665 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат юридик институти томонидан 2003 йилда Ражабов Акбар Амонович номига берилган В №105961 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **24 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечга бориб ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 235

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345